



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ОПЕРАЦИЯЛАР АУДИТИ

Содиқбоев Хокимбек Жамолiddин ўғли

Банк-молия академиясининг банк ҳисоби, аудит ва назорати
(master of science - msc) йўналиши магистранти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10017420>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10-October 2023 yil
Ma'qullandi: 15- October 2023 yil
Nashr qilindi: 18- October 2023 yil

KEY WORDS

банк, аудит, электрон тўлов тизими, пластик карталар, банкомат, терминал, дебит карта, кредит карта, просессинг марказлари, транзакциялар.

ABSTRACT

Ушбу мақолада республикамиз иқтисодиётида нақд пулсиз ҳисоб китоблар тизимини янада ривожланиш, пул маблағларини банк тизимларидан ташқари айланишини қисқартириш ҳамда банк пластик карталари орқали кўрсатиладиган хизматлар турлари, яратилаётган тўлов тизимлари шунингдек, тижорат банкларида ўтқизиладиган пластик карталар билан боғлиқ операциялар аудитини халқаро стандартлар андозаларига мослаштириш ва бу борадаги хорижий мамлакатлар тажрибалари ўрганилиб, таҳлил қилинган. Шу билан бирга, банк пластик карталарнинг бошқа электрон тўлов тизимлари билан рақобат бардошлилиги, афзаллик ва камчилик жиҳатлари ўрганилган ҳамда улар тўғрисида статистик маълумотлар шакллантирилган.

Банк карталари бугунги замонавий дунёда молиявий операциялар учун муҳим воситага айланди. дунё мамлакатларида рақамли иқтисодиётни ривожланишида ва шаффофлигини таъминлашда катта аҳамият касб этди. Бугунги кунда, банк пластик карталари дунё аҳолисининг кундалик фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб улгурган ҳисобланади. Шу кунга қадар, банк пластик карточкалар тизими жадал ривожланиб келмоқда. Ҳозирга келиб еса, барча мамлакатларда банк пластик карталарининг турли тўлов тизимлари мавжуд бўлиб, уларнинг ишлаш тизими, функция ва қулайликлари ҳам турличадир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Бугунги кунда, фойдаланувчининг фаолияти, зарурати ва тўлов тизимидан келиб чиқиб турли хилдаги банк карталари таклиф қилинмоқда. Жумладан,

а) карта ҳисобварағининг субъектларига кўра:

шахсий банк картаси - ўз сақловчисига жисмоний шахснинг (якка тартибдаги тадбиркордан ташқари) карта ҳисобварағида (карта ҳисобварақларида)ги пул маблағларини бошқариш имкониятини

беради. Шахсий банк карталари банк картаси сақловчисининг рухсати билан бошқа шахслар (оила аъзолари ва бошқалар) томонидан фойдаланилиши мумкин;

корпоратив банк картаси - ўз сақловчисига, яъни юридик шахсининг ваколатига эга ходими ёки яқка тартибдаги тадбиркорга карта ҳисобварағидаги пул маблағларини бошқариш имкониятини беради;

б) банк карталари амал қилиш тартибига кўра:

дебет банк картаси - ўз сақловчисига у ва банк картаси эмитенти ўртасида тузилган шартнома шартларига биноан тегишли карта ҳисобварағидаги пул маблағлари қолдиғи доирасида тўлов операцияларини амалга ошириш ва (ёки) нақд пул маблағларини олиш учун (корпоратив банк картаси бундан мустасно) тасарруф этиш имконини беради;

кредит банк картаси - ўз сақловчисига у ва банк картаси эмитенти ўртасида тузилган шартнома шартларига биноан тўлов операцияларини амалга ошириш ва (ёки) нақд пул маблағларини олиш учун (бундан корпоратив банк картаси мустасно) тегишли карта ҳисобварағидаги пул маблағлари қолдиғидан ортиқ операцияларни амалга ошириш имконини беради. [1]

Жахон банки томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, 2023-йил январ ойи ҳолатига дунё бўйлаб 9 миллиарддан ортиқ тўлов карталари муомалага чиқарилган. Кўпгина мамлакатларда тўловларни банк карталари орқали амалга ошириш усули энг афзал ва қулай усул сифатида қабул қилиниб, иқтисодиётда нақд пул айланмаси ҳажми камайиб кетди. Ушбу ўзгаришни қулайлик, хавфсизлик ва электрон тижорат платформаларининг юксалиши каби омиллар билан боғлаш мумкин. Бугунга келиб, контактсиз тўловларнинг ҳажми сезиларли даражада ошди. Фақатгина 2022-йилда контактсиз карталар орқали амалга оширилган операциялар бутун дунё бўйлаб карталар орқали амалга оширилган тўловларнинг 41 фоизини ташкил етди.

Шуни алоҳида такидлаш керакки, электрон тижоратнинг ўсиши билан онлайн харидлар бутун дунё бўйлаб тобора оммалашиб бормоқда. Банк карталари онлайн харидлар учун асосий тўлов опсияси бўлиб, глобал электрон тижорат транзакцияларининг қарийб 70 фоизи банк карталари ёрдамида амалга оширилади.

Шунингдек, банк карталари турли манбаларда ҳар хил кўринишда тасвирланган.

Банк картаси — уни сақловчисига тўлов инфратузилмари орқали тўловларни амалга ошириш ёки нақд пул маблағларини олиш ёхуд валюта айирбошлашни амалга ошириш ва банк картасининг эмитенти томонидан белгиланган бошқа операцияларни бажариш имконини берувчи тўлов воситасидир.

виртуал карта — электрон шаклдаги банк картаси бўлиб асосий картага ёки ҳисобвараққа боғланади ва тўловларни амалга оширишда зарур бўлган банк картасининг мажбурий реквизитларига эга бўлган тўлов воситаси [2].

Тадқиқот методологияси.


Тадқиқот ишида банк тизимига оид миллий ва хорижий қонун ҳужжатлар, йўриқнома, низом ва тартиблар хорижий адабиётлар, илмий мақолалар, интернет манбалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоботлари асосида тайёрланди.

Таҳлил ва натижалар.

Банк карталаридан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш сифатли ўсишини таъминлашга хизмат қиладиган янги илмий ва техник ечимларни топиш бўйича чуқур илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга банк карталари билан боғлиқ бошқа кўплаб хизмат турлари ҳалигача юртимизда жорий этилмаган, банк карталаридан фойдаланувчиларга янада қулайлик ва янги имкониятларни яратувчи хорижда ишлаб турган амалиётларни такомиллаштирган ва мослаштирган ҳолда республикамиз ҳудудида ҳам жорий этиш лозим. Шунингдек, банк пластик карталарини хавфсизлигини ва улардан фойдаланувчиларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида, тижорат банкларидаги назоратни ва банк карталари билан боғлиқ операцияларни назорат ҳамда тартибга солиб туришда ички аудит текширувини кучайтириш шу билан бирга самарадорлиги ошириш зарурдир. Бу эса ўз ўрнида ушбу тадқиқот мавзусини бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга эканлигини билдиради.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, фойдаланувчилар учун республикамизда банк карталари билан боғлиқ янги хизмат турлари яратилмоқда. Жумладан, “Ягона умумреспублика процессинг маркази” МЧЖ Миллий банклараро тўлов тизими билан биргаликда “Uzcard” ва “Humo” тўлов тизимлари банкоматларини интеграция қилиш бўйича техник ишларни якунлад [3].

Ушбу интеграция натижасида, мамлакатимизда фаолият юритиб келаётган икки “Uzcard” ва “Humo” тўлов тизимларининг банк карталари орқали барча тижорат банкларининг банкоматларидан нақд пул ечиш ва бошқа хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилди. Бу эса банк карталаридан фойдаланувчилар учун навбатдаги қулайлик бўлиб ҳисобланади. Бунгача эса, республикамиз ҳудудида “Uzcard” ва “Humo” тўлов тизимларининг “Visa”, “MasterCard” ва “UnionPay” халқаро пластик ҳамда “Мир” халқаро тўлов тизимлари билан интеграцияси муваффақиятли амалга оширилган эди. Натижада, ушбу халқаро тўлов тизимлари карталари фойдаланувчилари, яъни Республикамизга ташриф буюрувчи туристлар, меҳмонлар учун кенг шарт-шароитлар яратган ҳолда “Uzcard” ва “Humo” тўлов инфратузилмаси яъни банкоматлари ва тўлов терминаллари орқали миллий валютада тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўлинди.



1-Чизма. Тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган банк пластик карталари динамикаси.

Манба: Ўзбекистон Республикаси марказий банки, www.cbu.uz.

Ушбу диаграммадаги маълумотларда шуни кўриш мумкинки, ҳар йили ҳам банк пластик карталаридан фойдаланувчилар сони узлуксиз ўсмаган, яъни 2018 ва 2019-йилларда банк карталари сонидан пасайиш етилган.

Шунингдек, Марказий банкнинг маълумотларига кўра, мамлакатимизда 2023-йил 1-сентябрь ҳолатига муомаладаги банк карталари сони 40,23 миллиондан ошган.

Хулоса ва таклифлар.

Банк карталари бутун дунё бўйлаб маблағларимизни бошқариш ва тўловларни амалга оширишда инқилоб қилди. Технологик тараққиёт ва истеъмолчиларнинг хоҳиш-истакларининг ўзгариши билан уларнинг аҳамияти келгуси йилларда ўсишда давом этаётганлигини инобатга олиниб, бу борада тегишли қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

- Электрон карта ва электрон ҳамёнларда сақланадиган маблағларни тўғридан тўғри банкоматлар орқали нақдлаштириш ва тўлдиришни йўлга қўйиш;

- Турли карталарни биргина ҳисобрақам орқали бошқариш имкониятини яратиш;

- Банк картаси билан боғлиқ операцияларнинг шаффофлиги ва оддийлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Хулоса қилиб айтганда, бир қанча мамлакатлар нақд пулсиз жамиятга айланишига яқинлашмоқда, бу дегани транзакцияларда банк карталари ва мобил тўловлар устунлик қилади. Масалан, Швецияда нақд пулдан фойдаланиш сезиларли даражада пасайган, барча тўлов операцияларининг атиги 10 фоизи нақд пулда амалга оширилган. Келгусида ҳам бу тизими ижтимоий-иқтисодий ривожланишда жадаллик билан давом этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб сайти, www.cbu.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 3 апрелда рўйхатдан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк карталарининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари тўғрисида”ги 3294-сонли низом.
3. “Uzcard” миллий тўлов тизимининг расмий веб сайти, www.uzcard.uz.
4. Алиқориев О.Ф. Тижорат банкларида молиявий хизмат турларини ривожлантириш йўналишлари. И.ф.н. диссертацияси автореферати.

